

Қалбни Аллоҳ таоло Ўзи учун яратган



14:33 / 25.12.2025 1473

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам таълим бераётган барча дуоларнинг туб мақсади шуки, қай ҳолатда, қандай ишда машғул бўлсангиз ҳам, қалбингиз фақат Аллоҳ томонга қарасин. Бу қалбни Аллоҳ таоло Ўзи учун яратган. Бошқа аъзолар кўз, қулоқ, тиллар... дунёвий ишлар учун, улар орқали дунёвий мақсадларга эришилади. Лекин қалбни Аллоҳ таоло холис Ўзи учун яратган. Токи, унда Аллоҳнинг тажаллийси (нури) бўлсин, Аллоҳнинг муҳаббати ила яшнасин, Аллоҳнинг зикри ила обод бўлсин.

Шу ҳақда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай марҳамат қилганлар: «Энг афзал амал банданинг тили Аллоҳнинг зикри ила нам бўлишидир».

Тилни Аллоҳ таоло қалбга тушадиган зина қилган. Тил билан зикр қилаверсанг, иншаАллоҳ, у зикр қалбга нақшланиб бораверади. Аллоҳ

таолонинг ёди ва муҳаббати шу даражада жо бўлсинки, қалб Аллоҳ таолонинг тажаллийгоҳи (нури тушадиган жой) бўлсин. Тариқат, тасаввуф ва сулукнинг асл мақсади ҳам шудир.

Шайтон иймон ўғрисидир

Ҳожи Имдодуллоҳ Муҳожир Маккий раҳматуллоҳи алайҳ бу гапни шарҳлаб шундай дейдилар: «Васваса шайтоннинг амали. Чунки, инсон қалбига айнан шайтон васваса солади ва иймонни ўғирлашга ҳаракат қилади. У иймонга тажовуз қилишни хоҳлайди. Қайси уйда молдавлат бўлса, ўғриқароқчилар ўша уйга тажовуз қилади. Мол-давлат бўлмаган уйда қароқчи нима қилади? Шу каби шайтон ҳам сизнинг қалбингизга васваса соляптими, қалбингизга тажовуз қияптими, бу ҳол иймон бойлигининг аломатидир. Агар иймон бойлиги бўлмаса, ушбу «қароқчи» қалб уйингизга кирмаган бўларди. Шу сабабли бу ҳолдан хавотирга тушмаслик керак. Сиз «менинг қалбимда шундай васваса бўляптики, уни тилга чиқаргандан кўра, ёниб ўлиб кетганим яхшироқ», дейишингиз ичингизда иймон борлиги белгисидир. Иймонингиз қалбда бўлаётган васвасани тилга чиқаришга йўл бермаяпти. Агар иймон бўлмаганда, бу нарса ҳам бўлмаган бўларди. Шунинг учун Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам васвасани иймон аломати деганлар.

Улуф саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анху айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан қалбда бўладиган куфр ва ширк, фисқ ва фужур васвасасининг ҳукми нима?» деб сўрашди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

نَامِي إِلَىٰ صَحْمَكَ أَذ

«**Бу (васваса) ҳақиқий иймон (аломати)дир**», дедилар. Васвасадан қўрқманг, маъюс бўлманг ва ортиқча хавотирга тушманг. Чунки қалбга васваса келиши ҳақиқий иймоннинг аломати экан.

Бир саҳобий Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Эй Аллоҳнинг Расули! Баъзида бизнинг қалбимизга шундай васваса ва хаёллар келадики, ўша хаёлларни гапиргандан кўра, ёниб кул бўлиб кетиш яхшироқ», деди. Яъни, ўша хаёлларни тилда баён қилиш оловда ёнишдан ҳам ёмонроқ туюлади. Бу гапга жавобда ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу иймон аломатидир, деганлар.

«Насиҳатлар гулдастаси» китобидан

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 4 апрелдаги 02-07/
2234-рақамли ва 2023 йил 23 мартдаги 03-07/ 1912-рақамли хулосалари асосида
тайёрланди.